

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРКАНД ИКТИСОДИЕТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

“Банк-молия хизматлари” факултети

«Молия ва сугурта хизматлари» кафедраси

**«Суғурта иши»
фанидан**

РЕФЕРАТ

**Мавзу: Суғурта муносабатлари ва уларни суғурта
ташкилотлари фаолиятини ташкил этишдаги роли**

**Бажарди: МК-109 гуруҳ талабаси
Бозоров А.**

Текширди: асс. Аббасов А.А.

Самарқанд-2012

Мундарижа

Кириш

1.1. Суғурта тушунчаси ва унинг моҳияти.

1.2. Суғурта муносабатларини тикланиш босқичлари

1.3. Суғурта муносабатларини мустаҳкамлашни ҳуқуқий асослари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин Президентимиз "Республика деҳқон хўжаликларини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ҳамда давлат йўли билан ишбилармонлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳақида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Республика деҳқон хўжаликларини ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида"ги қарори қабул қилиниб, республикада деҳқон фермер хўжаликларини ташкил этишга асос солинган эди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни молиялашнинг бозор тамойилларига жавоб берадиган ҳамда молиялашнинг услуб ва молиявий маблағлардан фойдаланишда фермер хўжаликларини мустақиллигини ўз даромадлари ҳисобига қоплашни таъминлайдиган ишончли тизимни шакллантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларини эркинлаштириш ва чуқурлаштириш мамлакат стратегик тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Бозор иқтисодиёти шароитида аграр тармоққа хўжалик юритиш борасида мулкчиликнинг турли-туман шакллари пайдо бўлиши, масалан бугунги кунда хўжалик юритишнинг истикболли кўриниши деб тан олинаётган фермерликнинг вужудга келиши туфайли ижобий натижаларга эришилмоқда.

Фермер хўжаликларига бозор шароитида эҳтиёжларига қараб барча зарур хизматларини кўрсата оладиган замонавий суғурта хизматларини кенг ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Республикада суғурта бозорини тараққий эттиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, суғурта ташкилотларини моддий техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш зарур.

1. Суғурта тушунчаси ва унинг моҳияти

Бозор муносабатларига асосланган ҳозирги замон жамиятини иқтисодий муносабатларнинг алоҳида тури - суғуртасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Жаҳон иқтисодиёти анча катта иқтисодий талафотларга олиб келиши мумкин бўлган хавфларга ўта таъсирчандир. Иқтисодий талафотлар кўпинча ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган машина ва ускуналар, технологиялар ва жараёнлар техник жиҳатдан мураккаблашиши, йирик шаҳар конгломерацияларида қиммат объектлар ва иншоотлар зич жойлашиши, муайян шахсларга тегишли мулкӣ неъматлар қиймати жуда катталиги туфайли келиб чиқади. Турли табиӣ офатлар натижасида жаҳон мамлакатларининг миллий иқтисодиётлари кўрувчи иқтисодий зарарлар ўнлаб ва юзлаб миллион АҚШ доллари билан ўлчанади. Суғурта муайян қийинчиликлар юзага келган тақдирда хўжалик юритувчи субъектларга хавф солиши мумкин бўлган салбий иқтисодий оқибатларни енгиллаштириш ёки уларнинг олдини олиш мақсадини кўзлайди.

Суғурта бутун дунёда инвестициялар ва инвесторлар эътиборини ўзига тортувчи соҳалардан бири ҳисобланади. Иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда суғуртанинг стратегик мавқеи шу билан белгиланадики, у кутилмаган табиӣ, техноген ва бошқа фавқулодда ҳодисалар юз берган ҳолларда бузилган мулкӣ манфаатларни тиклашни кафолатлайди, давлат молиясининг мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ижтимоӣ муносабатлар ва бозор муносабатлари соҳасида пешқадам мамлакатлар (АҚШ, Япония, Европа давлатлари ва б.)да суғурта халқ хўжалигининг энг барқарор ҳамда жадал ривожланаётган тармоқларидан бири ҳисобланади. Турли мамлакатларда суғуртанинг ривожланиши кўрсаткичлари ҳам бунӣ тасдиқлайди².

Айрим мамлакатларда суғуртанинг ривожланиши

Мамлакат	Аҳоли жон бошига йиғиладиган суғурта бадаллари ҳажми, минг доллар ҳисобида	Ялпи ички маҳсулотда суғуртанинг улуши, % ҳисобида
Швейцария	2,9	8,6
Япония	2,6	8,6
АҚШ	2,1	8,7
Люксембург	1,9	7,9
Буюк Британия	1,8	11,4
Нидерландия	1,7	8,4
Франция	1,5	6,6
Германия	1,4	5,7
Швеция	1,3	м.й.
Норвегия	1,3	м.й.
Дания	1,3	4,8
Ирландия	1,2	9,1
Бельгия	1,1	5,0
Италия	0,6	3,0
Венгрия	0,08	2,1
Чехия	0,07	2,9

Жадвалда келтирилган маълумотлар иқтисодий жиҳатдан ривожланган жамият ҳаётида суғуртанинг ўрнини акс эттиради.

Бозор иқтисодиётига асосланмаган хўжалик юритиш тизимида суғурта ёрдамчи рол ўйнайди, чунки кўрилган зарарни қоплаш асосан давлат томонидан табиий офатларнинг оқибатларини тугатишга ва бошқа шунга ўхшаш мақсадларга бюджетдан маблағлар ажратиш йўли билан амалга оширилади.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистон Республикасида суғурта бу ерда марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбозлик тизими ҳукм сурган етмиш йил мобайнида амал қилган қонун-қоидалардан тубдан фарқ қиладиган тамойилларга асосан ривожланмокда. Ҳозирда давлат томон тўлашнинг ягона ёки асосий манбаи бўлишга ҳаракат қилмайди. Шу боис молиявий кафолатлар тизимининг вужудга келтирилиши, шахсларнинг мулкый манфаатларини ҳимоя қилиш механизми тарзида суғуртанинг ривожланиши зарур ва айниқса муҳимдир.

Хўш, суғурта ўзи нима?

Суғурта нима - муайян иқтисодий тадбирлар ёки муносабатлар усулими, шаклими, методими, мажмуими ёки уларни тартибга солиш воситасими, деган масала суғурта назариясида ҳар хил ҳал қилинади. Суғурта иши фанида «суғурта» тушунчасига икки хил таъриф бериш амалиёти шаклланган: иқтисодчилар суғуртага иқтисодий, ҳуқуқшунослар эса - ҳуқуқий нуқтаи назардан таъриф берадилар.

Иқтисодчиларга «суғурта» тушунчасини «суғурта фонди» категорияси воситасида ёритиш хосдир. В.К.Райхер фикрича, суғурта марказлаштирилган манбалар -иштирокчиларнинг бадаллари ҳисобига суғурта фонди ташкил этиш шакли демакдир. Таниқли иқтисодчи В.В.Шихов шундай деб ёзади: «Иқтисодий категория сифатида суғурта пул маблағларининг мақсадли фондларини таркиб топтириш шакллари ва усулларини ҳамда турли кутилмаган фавқулодда ҳодисалар (хавфлар) натижасида кўрилган зарарларни қоплаш, шунингдек фуқаролар ҳаётида маълум воқеалар рўй берганида уларга ёрдам кўрсатиш учун юқорида зикр этилган фондлардан фойдаланишни ўз ичига олувчи иқтисодий муносабатлар тизимидир».

Шундан келиб чиқиб, суғуртанинг моҳияти суғурталовчи томонидан суғурта фондининг таркиб топтирилишидир, деган хулоса чиқариш мумкин. Ваҳоланки, суғурта ташкилоти томонидан тузиладиган суғурта фонди ўз ҳолича фақат мазкур ташкилот суғурта тўловларини амалга ошириш мажбуриятини бажаришини таъминловчи бир восита, ҳолос.

Ҳуқуқий нуқтаи назардан суғурта фонди ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, чунки суғурталовчи суғурта шартномасидан келиб чиқадиган ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади. Бинобарин, шартнома тарафи -суғурталанувчига суғурталовчи суғурта товони ёки суғурта пулини қайси мол-мулк ҳисобидан тўлаши мутлақо аҳамиятсиздир. Суғуртанинг мазкур жиҳатини тавсифлашда адабиётларда суғурталовчи томонидан тўпланган суғурта бадалларининг етарли эмаслиги уни суғурталанувчи кўрган зарарни қоплашдан озод

этмаслиги таъкидланади. Суғурта фаолиятининг тадбиркорлик тури сифатидаги хусусияти суғурталовчининг юзага келиш сабаблари ва миқдорига кўра олдиндан айтиб қўйилган зарарни шу жумладан ўз манбалари ҳисобидан ҳам қоплаш мажбурияти билан белгиланувчи муайян даражада тадбиркорлик хавфи мавжудлигидан иборатдир.

Суғурта суғурталовчи билан суғурталанувчи ўртасидаги муайян иқтисодий муносабатдир. Мазкур муносабат доирасида суғурталовчи суғурта ходисаси юз бергунга қадар суғурта тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади. Аммо суғурта фондини таркиб топтириш, тақсимлаш ва ундан фойдаланиш масалалари суғурта доирасидан ташқарида ётади ва суғурталовчи суғурталанувчи олдида мазкур фондни таркиб топтириш билан боғлиқ ҳеч қандай мажбурият олмайди. Суғурта муносабатининг ўзини тартибга солувчи ЎзР Фуқаролик кодексида ҳам суғурта фондлари тўғрисида сўз юритилмаган. Шу сабабли суғурта муносабати суғуртанинг кўриб чиқиладиган таърифларидан англашиладиган суғурта фондларини таркиб топтириш ва улардан фойдаланиш борасидаги муносабат эмас. Бу суғурта мукофоти тарзидаги ҳақ эвазига суғурталовчи томонидан суғурталанувчига суғурта ҳимояси хизматлари кўрсатилиши билан боғлиқ муносабатдир.

Суғурта тушунчасига *расмий* таъриф "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасида берилган: «Суғурта деганда юридик ёки жисмоний шахслар тўлайдиган суғурта мукофотларидан шакллантириладиган пул фондлари ҳисобидан муайян воқеа (суғурта ходисаси) юз берганда ушбу шахсларга суғурта шартномасига мувофиқ суғурта товонини (суғурта пулини) тўлаш йўли билан уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тушунилади».

Суғурта муносабатларининг қонунда мустаҳкамланган таърифи суғурта ҳақидаги ҳозирги қарашларга тўла мос келади. Суғурта - жисмоний ёки юридик шахс кўрган зарарларни уларни қўплаб шахслар (суғурта мажмуи) ўртасида тақсимлаш орқали қоплаш усулидир. Зарарлар суғурта ташкилоти (*суғурталовчи*) ихтиёридаги суғурта фонди маблағлари ҳисобидан

қопланади. Суғуртага объектив эҳтиёж шу билан белгиланадики, зарарлар кўпинча инсон назорат қила олмайдиган вайронкор омиллар (табиий офатлар) оқибатида юзага келади, ҳеч кимнинг фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлигига сабаб бўлмайди. Мазкур ҳолатда кўрилган зарарларни бировдан ундиришнинг иложи бўлмайди ва улар жабрланувчининг мол-мулки доирасида қолади. Олдиндан тузилган суғурта фонди зарарни қоплаш манбаи бўлиши мумкин. Суғурталанувчи ва суғурталовчи ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар билан назарда тутилган суғурта ходисалари (хавфлари) пулга катта эҳтиёж туғдирган тақдирдагина суғурталаш мақсадга мувофиқдир. Масалан, бундай эҳтиёж тугилган жисмоний шахс, қоида тариқасида, ўз турмуш даражасини сезиларли даражада чегараламасдан уни ўз маблағлари ҳисобидан қоплай олмайди.

Айни вақтда, В.И.Серебровский таъкидлаб ўтганидек, суғуртани ўз-ўзини суғурталашдан фарқлаш зарур. Ўз-ўзини суғурталашда хўжалик юритувчи субъект -маълум миқдордаги турдош мулкӣ объектлар (заводлар, кемалар ва ҳ.к.) эгаси - ҳар йили ўз даромадларининг бир қисmini кўрсатилган объектларга бахтсиз ҳодисалар натижасида етказилиши мумкин бўлган зарарни қоплаш учун мўлжалланган алоҳида суғурта фондига йўналтиради. Суғурталашда бир қанча хўжаликлар ҳисобидан амалга ошириладиган зарарни қоплаш ўз-ўзини суғурталашда битта суғурталовчи ҳисобидан амалга оширилади.

Суғурта муносабатлари суғурта фанининг объектини ташкил этади. Бу фан суғуртанинг фундаментал назарияларини умумлаштиради. Мазкур назариялар суғуртанинг иқтисодий моҳияти, функциялари, ролини ва ҳозирги жамиятда у қўлланиладиган соҳаларни кўриб чиқади. Суғурта фани суғурта атамалари мазмунини, суғуртанинг таснифланишини, суғурта ташкилотлари тизимини тузишнинг ташкилий принципларини, суғурта тарифларини ҳисоблаш методикасини, ҳар бир суғурта турини энг муҳим шартларини, кўрилган зарарни ва унга тўланадиган суғурта товонини

аниқлаш, суғурта операцияларини иқтисодий таҳлил қилиш ва режалаштириш методикасини, қайта суғурталаш масалаларини ўрганади.

Шундан келиб чиқиб, суғуртани қуйидагича таърифлаш мумкин.

Суғурта суғурта мукофоти тарзидаги ҳақ эвазига суғурталанувчига (суғурта қилдирувчига) моддий жиҳатдан суғурта ходисаси юз берган ҳрлда амалга ошириладиган суғурта тўловларида, шунингдек шартнома ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловларда ифодаланадиган суғурта ҳимояси хизматларини курса 1 иш бўйича суғурталовчи ва суғурталанувчи ўртасидаги муносабат демакдир.

Шундай қилиб, суғурта - жамиятда юз берган кўнгилсиз воқеалар ва ходисалар оқибатида кўрилган иқтисодий талафотлар ва зарарларни мумкин қадар камайтириш ва тугатишнинг муҳим усулидир. Ҳозирги жаҳон суғурта бозорининг жами айланмаси 2,4 трлн. АҚШ долларидан ортиқдир. Узоқ тарихга эга бўлган суғурта ҳозирги замон иқтисодиётида ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминловчи асосий қафолатчи ва барқарорлаштирувчи вазифасини бажаради, жисмоний ва юридик шахслар кўрган зарарлар қопланишини таъминлайди. ҳозирги жаҳон суғурта бозори миллий суғурта бозорларининг оддий мажмуи эмас. Жаҳон савдо ташкилоти тизимига кирувчи бошқа мамлакатларнинг бозорларига чиқиш имкониятига эга бўлган турли мамлакатларнинг суғуртачилари халқаро қайта суғурталаш тизимидан фойдаланиб, жаҳоннинг барча мамлакатларида тўпланган ижтимоий бойликни сақлаш ва ўрнини тўлдириш иқтисодий функциясини бажармоқцалар. Жаҳоннинг айрим мамлакатларида йирик зарарлар кўрилган ҳолларда суғурта товонини тўлашда кўпинча бошқа мамлакатларда ва қитъаларда рўйхатга олинган суғуртачилар ва қайта суғурталовчилар иштирок этадилар.

Суғуртанинг моҳиятини тушуниш ва унинг турларини аниқлаш кўп жиҳатдан суғуртанинг вазифаси ва мақсадларига боғлиқдир.

Суғуртанинг моҳияти суғурталанувчи (суғурта килдирувчи)нинг мавжудлик шароитларини ҳимоя қилиш - суғурта ҳимояси хизматларини кўрсатишдан иборат.

Бу ҳақда Д.Бланд шундай деб ёзади: «Суғурталовчи моддий аҳволни ҳимоя қилади, унинг эгасига зарарларни қоплаш учун ресурслар беради ёки руҳи ва танаси ё соғлиқни тиклаш, ё уни ногирон сифатида қулай шароитда сақлаш учун муайян харажатларни тақозо этувчи шахсни қўллаб-қувватлайди».

Шундай қилиб, суғурталанувчи, суғурта муносабатига кирипгаб, нафақат суғурта ходисаси натижасида кўриши мумкин бўлган талафот ва зарарларни бартараф этишга ёрдам берувчи суғурта тўловини олиш ва нафақат суғурта ходисаси юз берган тақдирда суғурта тўлови амалга оширилишини юридик жиҳатдан кафолатловчи суғурталовчининг мажбурияти учун, балки ҳимояланганлик ҳиссига эга бўлиш учун ҳам ҳақ тўлайди ва бу унга руҳий хотиржамлик бахш этади, унда ўз келажагига бўлган ишончни мустаҳкамлайди².

Суғуртанинг функциялари - суғурта моҳиятини ифодаловчи унинг асосий фаолият йўналишлари демак.

Биринчи функция — суғурта компаниялари ўз зиммасига олувчи хавфларни қоплаш учун махсус пул маблағлари фондини таркиб топтириш. Мазкур фонд ҳам мажбурий, ҳам ихтиёрий тартибда тузилиши мумкин. Давлат иқтисодий ва ижтимоий вазиятдан келиб чиқиб, мамлакатда суғурта ишининг ривожланишини тартибга солади.

Махсус суғурта фондини таркиб топтириш функцияси суғуртанинг барқарорлигини таъминловчи, тўловлар ва товонларни кафолатловчи захира фондлари тизимида амалга оширилади. Агар тижорат банкларида аҳоли маблағлари, масалан, омонатларининг жамланиши фақат жамғариш негизига эга бўлса, суғурта махсус суғурта фондини таркиб топтириш функцияси орқали хавфга асосланган жамғариш негизига эга бўлади. Маънавий жиҳатдан суғурта жараёнининг ҳар бир иштирокчиси, айтайлик, ҳаётни

суғурта қилишда бахтсиз ҳодиса юз берган ҳолда ва шартноманинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин моддий ҳақ олишга ишончи комил бўлади. Мулкый суғуртда махсус суғурта фондини таркиб топтириш функцияси орқали нафақат нобуд бўлган ёки шикастланган мол-мулк қийматини суғурта шартномасида айтиб қўйилган суғурта пуллари ва шартлари доирасида қоплаш муаммоси ҳал қилинади, балки нобуд бўлган ёки шикастланган мол-мулк қиймати қисман ёки тўлиқ қопланиши учун шарт-шароитлар ҳам яратилади.

Махсус суғурта фондини таркиб топтириш функцияси орқали вақтинча бўш турган маблағларни банкларга ва бошқа тижорат тузилмаларига жойлаштириш (инвестиция қилиш), пул маблағларини кўчмас мулкка жойлаштириш, қимматли қоғозлар сотиб олиш муаммоси ҳам ҳал қилинади. Бозор иқтисодиёти ривожланиши билан суғуртада вақтинча бўш турган маблағлардан фойдаланиш механизми ҳам такомиллашиб ва кенгайиб боради, махсус суғурта фондини таркиб топтириш функциясининг аҳамияти ортади.

Суғуртанинг иккинчи функцияси — кўрилган зарарни қоплаш ва фуқароларни моддий таъминлаш. Кўрилган мулкый зарарни қоплаш ҳуқуқига фақат суғурта фондини таркиб топтиришда қатнашган жисмоний ва юридик шахсларгина эгадир. Жисмоний ва юридик шахслар томонидан кўрилган зарарни мазкур функция орқали қоплаш мавжуд мулкый суғурта шартномаси доирасида амалга оширилади. Зарарни қоплаш тартиби суғурта компаниялари томонидан суғурта шартномаси шартларидан келиб чиқиб белгиланади ва давлат томонидан тартибга солинади (суғурта фаолиятини лицензиялаш). Суғурта ҳимоясининг иқтисодий жиҳатдан зарурлиги мазкур функция воситасидь. объектив тарзда амалга оширилади.

Суғуртанинг учинчи функцияси — суғурта ҳодисасининг олдини олиш ва кўрилиши мумкин бўлган зарарни мумкин қадар камайтириш - кенг чоратadbирлар мажмуини, шу жумладан бахтсиз ҳодисалар ва табиий офатларнинг салбий оқибатларига йўл қўймаслик ёки уларни камайтириш

тадбирларини молиялаштиришни назарда тутди. Мазкур функция суғурта қилдирувчига ҳуқуқий таъсир кўрсатиши ҳам ўз ичига олади. Бу тузилган суғурта шартномаси шартларида белгилаб қўйилади ва суғурта қилдирувчи суғурталанган мол-мулкни авайлаб асрашини назарда тутди. Суғурталовчи суғурта ходисаси юз беришининг олдини олиш ва кўрилиш мумкин бўлган зарарни мумкин қадар камайтириш бўйича амалга оширадиган чора-тадбирлар *превентив* чора-тадбирлар деб аталади. Мазкур функцияни амалга ошириш мақсадида суғурталовчи огоҳлантириш тадбирларининг алоҳида пул маблағлари фондини таркиб топтиради.

2 Суғурта муносабатларини тикланиш босқичлари

1991-йилнинг ноябр ойида «Мол-мулкларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида» қонуннинг қабул қилиниши билан Ўзбекистон Республикасида кенг миқёсда давлатга тегишли бўлган корхоналарни ижарага топшириш, уларни акционерлик жамиятларига айлантириш жараёни бошланди. Иқтисодий ислохотлар кучли ижтимоий сиёсатни уйғунлаштириш орқали босқичма-босқич амалга оширилди.

Хусусийлаштиришнинг биринчи босқичида, яъни 1992-1993-йилларда, давлатга қарашли кичик корхоналар ва уй-жой фонди энг кам нархларда, асосан, корхонанинг ходимларига сотилди. Бу даврда 54000 корхона хусусийлаштирилди, 18000 дан ортиқ оилавий корхоналар ва 26000 та акционерлик жамияти ташкил этилди. Шунингдек, мазкур босқичда 700 дан ортиқ давлат қишлоқ хўжалиги корхоналари жамоа ва ижара хўжаликларига айлантирилди.

Маълумки, илгари ҳамма корхоналар давлатнинг ихтиёрида бўлганлиги туфайли, уларни ҳар хил нохуш ходисалардан суғурта қилишга эҳтиёж бўлмаган. Сабаби, ушбу корхоналарга суғурта ходисалари натижасида зарар етказилса, бу зарарлар давлат маблағлари ҳисобидан бемалол қопланаверар эди. Аммо, юқорида таъкидлаганимиздек, мол-мулкларни давлат ихтиёридан

чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида нодавлат секторида ўн минглаб корхоналарни пайдо бўлиши, ўз-ўзидан, суғурта хизматларига бўлган талабни сезиларли равишда оширди. Негаки, илгариги тажрибадан фарқли ўлароқ, нодавлат секторидаги корхоналар стихияли ҳодисалар туфайли зарар кўрганда, бу зарарлар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланмади.

Юқорида баён этилганларга қўшимча равишда таъкидлаш лозимки, амалга оширилган иқтисодий ислохотлар суғурта тизимини тубдан ўзгартириб юборди. Давлат суғурта ташкилотларига рақобатбардош хусусий секторда мустақил суғурта компаниялари вужудга кела бошлади. Бу шубҳасиз, уларнинг фаолиятини тартибга соладиган махсус қонун қабул қилишни талаб этди. 1993-йилнинг 6 майида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши (ҳозирги Олий Мажлис) "Суғурта тўғрисида» қонун қабул қилди. Ушбу қонун суғуртани ривожлантиришнинг, суғурта бозорини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини, республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда суғуртанинг маъқеи ва ўрнини белгилаб берди, фуқаролар ва юридик шахсларнинг суғурта хизматларига бўлган талаблари тўлиқроқ қондирилишини кафолатлади, суғурта муносабатлари барча иштирокчиларининг манфаатлари ҳимоя қилиниши ва мажбуриятларига риоя этилишини таъминлади. Шуниси диққатга сазоворки, мазкур қонунда давлат суғуртасининг монополиясига барҳам берилди. Бошқача сўз билан ифодалаганда, давлат суғурта ташкилотлари ва нодавлат суғурта ташкилотлари учун тенг шароитлар яратилди.

1992-1994 йилларда иқтисодиётнинг барча бўғинларида монополияга барҳам берилиш ва хусусийлаштириш жараёни кучайишига қарамасдан, Ўзбекистон суғурта бозорида давлат суғурта муассасаларининг устунлиги сақланиб қолди. Мамлакатнинг шаҳар ва қишлоқ жойларидаги асосий суғурта операциялари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ҳузуридаги давлат суғурта Бош бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан амалга оширилди. Статистик маълумотларга кўра, 1992-йилда давлат суғурта ташкилотлари томонидан жами 2415,1 млн. рубл

миқдорида суғурта бадаллари йиғиб олинган. Бу кўрсаткич 1991-йилда йиғиб олинган суғурта бадалларидан уч марта кўпдир. Агар, ушбу даврда суғурта бадаллари таркибини чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, умумий ҳажмда шахсий суғуртанинг улуши кам эканлигини кўрамыз. Хусусан, 1991-йилда суғурта бадалларининг умумий ҳажмида шахсий суғуртанинг улуши 38,5 фоизни ташкил этган бўлса, 1992-йилда бу кўрсаткич -16,2 фоизни ташкил этди. Бунинг асосий сабаби, пулнинг кадрсизланиши ва ўша пайтда ижтимоий- иқтисодий ҳаётда рўй берган тангликлар билан боғлиқдир. Шахсий суғурта тури бўйича 1990-йилда 6915,9 минг шартномалар тузилган бўлса, бу кўрсаткич 1992-йилда 2624,0 мингга ташкил этди ёки шартномалар сони 2,6 мартага камайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, юридик шахсларнинг мол-мулкани ихтиёрий суғурта қилиш иқтисодий нуқтаи-назардан самарали ҳисобланади. Чунки, иқтисодий ислохотларнинг моҳияти ҳам кўпроқ корхоналарни молиявий барқарорлигини таъминлашга қаратилган ўзаро боғланган чора-тадбирлар мажмуасини амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ. Бундай чора-тадбирлардан бири корхоналарни мол-мулкани ихтиёрий суғурта қилишдир. 1992-йил статистик маълумотларига кўра, давлат суғурта органлари томонидан йиғиб олинган жами суғурта бадаллари ҳажмида мол-мулк суғуртасининг улуши кескин камайиб кетди.

1992-1994 ва ундан кейинги йилларда Ўзбекистон Республикасида мажбурий суғурта қилиш билан боғлиқ операцияларни ўтказиш фақат давлат суғурта ташкилотлари томонидан амалга оширилди. Бундай суғурта турларига қишлоқ хўжалик мол-мулкани суғуртаси, фуқароларни мол-мулкани суғуртаси ва йўловчиларни бахтсиз ҳодисалардан мажбурий суғурта қилишни ўз ичига олган эди. Шу ерда таъкидлаш зарурки, 1991-йилнинг 1 январидан собиқ иттифок ҳудудида қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулкани мажбурий суғурта қилиш бекор қилинган эди. Аммо, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисоблангани учун, бу тармоққа қарашли мол-мулкларни суғурта қилиш ишлари узлуксиз давом

этирилди. 1993-йилнинг охирида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, қишлоқ хўжалиги корхоналари мол-мулкини мажбурий суғурта қилиш жорий этилди.

1992-йил бошларида Ўзбекистонда нодавлат секторида ўнга яқин суғурта компаниялари фаолият кўрсатди. Улар, давлат суғурта ташкилотларидан фарқли ўлароқ, амалдаги суғурта қилиш қоидаларини анча такомиллаштирдилар. Жумладан, суғурта бадали ставкасини камайтирган ҳолда суғурта жавобгарлиги ҳажмини кенгайтирдилар. 1992-йил давомида мамлакатда «Умид» қўшма суғурта компанияси, «Инобат», «Ишонч», «Темир йўлчи» каби бир қатор нодавлат суғурта ташкилотлари турли хил суғурта операцияларини амалга оширдилар.

1993–1994йиллар давомида суғурта соҳасида монополиядан чиқарилиш жараёни бир мунча тезлашди. 1994 - йил охирларида мамлакат нодавлат секторида 60 дан ортиқ суғурта ташкилотлари фаолият кўрсата бошлади. 1993 - йилда давлат суғурта ташкилотлари томонидан жами 26892,8 млн. рубл миқдорида суғурта бадаллари йиғиб олинган ва унинг қарийб 81,3 фоизи мажбурий суғурта-турларидан келиб тушган. Аниқроқ қилиб таъкидлайдиган бўлсак, ушбу келиб тушган мажбурий суғурта бадалларининг 79,4 фоизи ёки 21,4 млрд. рубли қишлоқ хўжалик корхоналарининг мол-мулкини суғурта қилишдан келиб тушган. Мол-мулкларни ихтиёрий суғурта қилиш ва шахсий суғурта турлари бўйича келиб тушган бадаллар умумий суғурта тушумларида тегишли равишда 7,3 ва 9,4 фоизларни ташкил этди.

Маълумотларга қараганда, 1993-йилда давлат суғурта муассасалари 12,8 млрд. рублни бевосита суғурта ҳодисалари туфайли кўрилган зарарларни қоплашга сарфлади. 1994-йилнинг 1 июлида Молия Вазирлиги ҳузуридаги давлат суғурта Бош бошқармаси фуқаролар томорқаларидаги қишлоқ хўжалиги экинлари ва кўп йиллик дов-дарахтларни ихтиёрий суғурта қилиш қоидаларини тасдиқлади. Бу қоидаларга кўра, картошка, сабзоват, полиз экинлари, кўчатлар, томорқада ўстирилаётган

мева, резавор ҳамда бошқа кўп йиллик дарахт, бута - ўсимликлар ихтиёрий суғуртага олинди. Суғурта бадалларининг ставкалари қишлоқ хўжалиги экинлари турларига қараб белгиланди. Масалан, бир йиллик ва кўп йиллик экилган ўтлар учун суғурта бадалининг ставкаси суғурта суммасига нисбатан 7 фоиз миқдорида белгиланди.

1993-1994-йилларда нодавлат суғурта ташкилотлари ичида энг кўп суғурта операцияларини амалга оширган ҳамда энг дастлабки нодавлат секторидаги суғурта компанияларидан бири - «АРК суғурта гуруҳи»дир. Бу компания илк марта 1991-йилнинг 21 феввалида «АСТРОВАЗ» номи билан россиялик ҳамкорлар ёрдамида ташкил этилди. 1992-йилнинг январ ойида Россиялик ҳамкорлар таъсисчилар сафидан чиқарилди. Шу йилнинг 24 июнида «АСТРОВАЗ» ёпиқ турдаги акционерлик жамиятига айлантирилди. 1993-йилнинг март ойидан бошлаб бу ташкилот «АРК суғурта гуруҳи» деб атала бошланди. У, асосан, Ўзбекистон ҳудудида аккредитатсия қилинган чет давлатлар ваколатхоналари, элчихоналарининг мол-мулкни суғурталаш билан шуғулланган.

«АРК суғурта гуруҳи» билан бир қаторда 1992-1994-йилларда «Умид» осиё суғурта компанияси ҳам нисбатан фаол суғурта қилиш ишларини амалга оширдилар. Бу компаниянинг асосий таъсисчилари Ўзбекистон Республикаси ҳом-ашё биржаси ва Покистон Ислон Республикасидан бўлган ҳамкорлардир. Ушбу компания дастлаб, экспорт-импорт юқларини, транспорт воситаларини суғурталашга ихтисослашди. Кейинчалик «Умид» осиё суғурта компанияси тижорат банклари томонидан берилган кредитларни ўз вақтида қарз олувчилар томонидан қайтариб бера олмаслик таваккалчилигини суғурта қила бошлади. Ҳозирги пайтда «Умид» суғурта компанияси ўз фаолиятини тўхтатган.

Юқорида баён этилганлар шундан далолат берадики, Ўзбекистон суғурта бозорида давлат суғурта ташкилотлари билан бир қаторда хусусий, акционерлик ва бошқа мулк шаклидаги суғурта компаниялари ҳам рақобат асосида фаолият кўрсатишлари мумкин.

Умуман суғуртанинг инсоният ҳаётидаги ва иқтисодийнинг узлуксиз ривожланишини таъминлашдаги аҳамияти беқиёс. Бунини эътиборга олиб, мамлакатимизда бозор инфратузилмасининг ушбу бўғинини ривожлантиришга катта эътибор бериляпти.

Биргина 2002-йилда суғурта /соҳасини ривожлантириш юзасидан давлат миқёсида бир қатор чора-тадбирларнинг белгиланганлиги фикримизнинг тасдиғидир. Сусусан, 2002-йилнинг 31 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Суғурта болтйми янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг эълон қилиниши суғурта тизимини тараспий эттириш йўлида муҳим қадам бўлди. Мазкур Фармонга мувофиқ, мулк шаклидан қатъий назар барча суғурта ташкилотлари 2002-йилнинг 1 февралидан бошлаб уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002-йил 27 ноябрда қабул қилган қарори соҳани ривожлантиришда катта аҳамият касб этди. Ўзбекистон ҳукумати томонидан суғурта соҳасини ривожлантиришга катта эътибор берилиб, суғурта бозорини босқичма-босқич ислоҳ қилиш тамойили амалга оширилмоқда.

Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиши даврида суғурталашнинг ҳуқуқий базасига ва суғурта соҳасида бозор тузилмасини ривожлантиришга пойдевор қўйилди, мисол учун суғурталашда томонларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи ва республикада суғурта фаолиятини давлат томонидан назорат қилишнинг тамойилларини белгиловчи халқаро андозаларга мос келувчи ҳамда талабларга жавоб берувчи Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонуни 2002-йил 5 апрелда қабул қилинди. Айтиш керакки, янги қонун юртимизда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳаларда ўтказилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш, мамлакатимизда олиб борилаётган эркинлаштиришни таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу қонуннинг қабул

килиниши суғурта муносабатларида иштирок этувчи томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Суғурта соҳасини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжати нормалари халқаро стандартларга мувофиқлаштирилди. Жумладан, ривожланган чет мамлакатлардагидек бизда ҳам суғурта хизматлари бозори иккига ажратилди: ҳаётни суғурта қилиш билан боғлиқ хизматлар бозори ва умумий суғурта хизматлари бозори. Ҳаётни суғурта қилишга ихтисослашган ташкилотларф/умумий суғурта турларини ўтказиш, умумий суғурта турларини амалга оширувчи ташкилотлар эса ҳаётни суғурталаш ҳуқуқига эга бўлмайди. Тўғри, бизда ҳаётни суғурта қилиш, айниқса, узоқ муддатли суғурта турларини ривожлантиришда баъзи рнуаммолар мавжуд. Бу суғурта турини амалга ошириш учун фуқароларда суғурта ташкилотларига ишонч бўлиши билан бир қаторда етарли миқдорда маблағ ҳам бўлиши зарур. Фақат ҳаёт суғуртаси билан боғлиқ хизматларни кўрсатишда эмас, балки корхона ва ташкилотларнинг мол-мулки ҳамда бошқа ихтиёрий суғурта турларини ўтказишда ҳам талай рнуаммолар мавжуд. Бу муаммоларни ҳал этиш суғурта ташкилотлари ва уларнинг салоҳиятли мижозлари бўлмиш кўпминг сонли аҳоли, юридик шахсларнинг ўзаро ҳамкорлигига боғлиқ. Жамиятда аҳоли ва корхона ҳамда ташкилот раҳбарларининг суғуртага бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш лозим. Бу, ўз навбатида, суғурта ташкилотлари томонидан фаол тушунтириш, тарғибот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Бугун юртимизда хизмат кўрсатиш тармоғи жадал суратлар билан ривожланаётган бўлиб, бунга суғурта компанияларининг фаолият доираси ҳам тобора кенгайиб бораётгани ёрқин мисол бўла олади. Ҳозирда мазкур бозорда янги суғурта иштирокчиларининг юзага келаётгани мавжуд суғурта турларини янада кўпайтириш ҳамда шу орқали кенг тоифадаги юридик ва жисмоний шахсларни сифатли суғурта хизматлари билан таъминлаш имконини бермоқда.

Мамлакатимиз Президентининг 2007-йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сонли «Суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори муҳим омил бўлди. Умуман айтганда, бугунги кунда мамлакатимизда суғурта хизматлари бозорини халқаро талаблар даражасига олиб чиқиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг суғурта бозорида фаол иштирок этишини рағбатлантириш мақсадида суғурта компаниялари учун ҳар томонлама шарт-шароитлар яратилмоқда. Бу эса, бозордаги соғлом рақобат муҳитини ҳам шаклланишига олиб келмоқда.

Суғурта тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилиш суғурта бозорида турли мулкчилик шаклидаги ташкилотларнинг пайдо бўлишига хизмат қилмоқда. Бу борада қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатлар суғурта тизимининг жамиятдаги ўрнини юксалтириш, жаҳон андозаларига мос, сифатли хизмат кўрсатиш ҳамда суғурта бозори инфратузилмасини такомиллаштириш имконини бераётир.

Айни вақтда мамлакатимизда фаолият юритаётган ўттиздан ортиқ ихтисослашган суғурта компаниялари томонидан миқдорларга икки юздан ортиқ турда хизмат кўрсатилмоқда.

3 Суғурта муносабатларини мустаҳкамлашни ҳуқуқий асослари

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш мақсадида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, суғурта бозорини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Зеро, бундай улуғвор мақсадларга бозор инфра-тузилмаси, яъни банк-молия тизими, лизинг, аудиторлик, суғурта, инжиниринг ва бошқа тузилмаларни ривож-лантирмасдан туриб эришиб бўлмайди.

Шу туфайли истиқлол йилларида юртимизда суғурта бозорининг ҳуқуқий асосини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Суғурта

фаолияти тўғрисида"ги, "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги, "Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги, "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги қонунлари. шулар жумласидандир. Ҳозир ушбу ҳужжатлар суғурта бозорини ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундай саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугунги кунда юртимизда "Ўзбекинвест", "Кафолат", "Ўзагросуғурта" сингари 33 та суғурта компанияси самарали фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг низом жамғармалари йилдан-йилга ошиб бораётгани эса қувонарлидир. Масалан, ўтган йилнинг 1 октябрь ҳолатига, кўра, ушбу компанияларнинг жамғармаси 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 47,6 миллиард сўмга, яъни 3,6 фоизга ошган. Шу ўринда айтиш керак-ки, суғурта бозорининг жадал суръатлар билан ривожланиши соҳанинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Яқинда кучга кирган "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15 ҳамда 18-моддаларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида"ги Қонун ана шу долзарб масалага қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Қонуннинг номидан ҳам кўриниб турибдики, мазкур Қонун билан "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 15 ҳамда 18-моддаларига ўзгартишлар ва қўшимча киритилди. Яъни Вазирлар Маҳкамасининг суғурталовчилар ва суғурта брокери суғурта фаолиятини лицензиялаш амалиётини мустаҳкамлаш, суғурта тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш, суғурталовчиларнинг моддий-техник базасини, молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, уларнинг минтақавий ваколатхоналарини кенгайтириш, аҳолининг суғурта ташкилотига бўлган ишончини ошириш юзасидан қабул қилинган "Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талаблари билан бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида "Суғурта

фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига янги нормалар татбиқ этилди. Унга: биноан, қайта суғурта қилиш бўйича суғурта фаолиятини амалга ошираётган сугурталовчи суғурта шартномаларини тузишга ҳақли бўлмайди. "Суғурта фаолияти тўғри-сида"ги Қонуннинг 18-моддаси биринчи қисми ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49-моддасини мувофиқлаш-тириш мақсадида "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасига ҳам янги нормалар киритилганлигини айтиш зарур. Унга кўра, кўшиб юбориш, бўлиш ва ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этилаётган ҳамда янгитдан тузилган суғурталовчилар лицензия олгунига қадар бўлган даврда улар янги суғурта шартномаларини тузишга ҳамда амалдаги суғурта шартномаларини узайтиришга ҳақли эмас.

Шунингдек, "Суғурта фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасини "Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида"ги Қонуннинг 23-моддаси билан мувофиқлаштириш мақсадида ўзгартириш шаклида қайта ташкил этилган суғурталовчининг лицензияси қайта расмийлаштирилиши ҳақидаги норма билан тўлдирилди.

Кўриниб турибдики, ушбу Қонуннинг ижтимоий ҳаётга татбиқ этилиши суғурта бозорида фаолият юритаётган суғурталовчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўлақон-ли равишда ҳимоялаш ҳамда мамлакатимизда суғурта бозорининг янада ривожланишига хизмат қилади.

2009 йил давомида суғурта қонунчилигини такомиллаштириш ишлари давом этди. Ўзбекистон Республикасининг «иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилингани суғурта қонунчилигига киритилган асосий янгилик бўлди. Мазкур Қонуннинг, шунингдек, ундан келиб чиқувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши билан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг ҳуқуқий тизими шаклланди.

Ўзбекистон Республикасининг «Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш тўғрисида»ги Қонуни ушбу

мажбурий суғуртани амалга оширишнинг асосий ва муҳим меъёрлари ҳамда шартларини белгилаб беради, мазкур Қонун ижросини таъминлаш тўғрисидаги Ўзбекистоннинг қарори эса иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашни амалга оширишнинг қоида ва тартибларини Қонунга мувофиқ тарзда тартибга солади.

Бундан ташқари, юқорида тилга олинган Қонунга мувофиқ суғурталовчиларнинг суғурта захираси тўғрисидаги Низомга иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашни амалга оширувчи суғурталовчилар томонидан ташкил этилувчи иш берувчининг *фуқаролик* жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича барқарор захирани шакллантиришни кўзда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бундан ташқари, 2009 йил давомида суғуртанинг бошқа соҳаларини тартибга солувчи меърий ҳужжатлар ҳам қабул қилинди. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги Низом;
2. Бизнес соҳасига суғурта хизмати кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги Низом;
3. Ақтуар хизмати кўрсатиш тартиби тўғрисидаги Низом;
4. Суғурталовчиларнинг молиявий ҳисобот шакли ва уни тўлдириш қоидалари;
5. Суғурталовчининг муваққат маъмурияти тўғрисидаги Низом.

Суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолияти тўғрисидаги Низом суғурталовчи ва қайта суғурталовчининг инвестиция фаолиятига бўлган талабларни ўрнатади. Низомга асосан инвестиция фаолияти объектлари, инвестиция фаолиятига бўлган асосий талаблар, инвестиция фаолиятини амалга ошириш тартиблари ва жавобгар шахсга қўйиладиган малакавий талаблар тартибга солинади.

Хулоса

Бугунги кунда, ҳали етарлича ривожланишга улгурмаган суғурта бозори инфратузилмасини ривожлантиришда, биринчи навбатда, тез суръатларда суғурталовчилар ва суғурталанувчиларни муаммоларини ҳал этадиган суғурта воситачилари (суғурта агенти, суғурта ҳамда қайта суғурта брокери), аджастер, актуарий, асистанс ва суғурта сюрвейери каби суғурта бозори инфратузилмаси субъектларини шакллантириш ва улар фаолиятини тўғри йўлга қўйиш юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- суғурта соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш, молия ва иқтисод соҳаси йўналишларида кадрлар тайёрлаб берадиган ўқув даргоҳларида суғурта воситачиси, аджастер, актуарий, асистанс ва суғурта сюрвейери фаолиятлари бўйича дарс киритиш;

- суғурта бозори инфратузилмаси субъектларининг, суғурталовчилар ва суғурталанувчилар ўртасидаги муомала ва муносабатлар тизимини, хужжатлар айланиш механизмининг ва фаолият кўрсатиш методикасининг тартибга солувчи меъёрий норматив хужжатлар ишлаб чиқиш;

- суғурта бозори инфрастузилмасини ривожлантириш бўйича махсус дастур ишлаб чиқиш;

- суғурта воситачилари, аджастер, актуарий, асистанс ва суғурта сюрвейерларига малака талаблари мезонларини ишлаб чиқиш;

- суғурта компаниялари томонидан ўзаро ҳамкорликда Республикамизнинг маъмурий ҳудудий тузилишига асосланиб, босқичма-босқич суғурта бозори инфратузилмаси субъектларини ташкил этиш.

- суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларининг мустақил уюшмасини ташкил қилиш ва улурга шарт – шароит яратиб бериш;

- суғурта компанияларининг(қайта суғурталовчилар) фаолиятини ривожлантиришга оид чора тадбирлар ишлаб чиқиш, айниқса аҳолининг

пастки қатламларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида шахсий суғуртани ривожлантириш ва жаҳон тажрибасини ўрганиш;

- ҳозирги суғурта бозорини жаҳон принциплари ва стандартларини инобатга олган ҳолда миллий суғурта бозорига интеграция қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. – Т.: Ўзбекистон, 2008.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонуни. \\Халқ сўзи. 2000 йил 14 январ.
4. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит , инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида.- Т.:Ўзбекистон 2005.
5. Каримов И.А . Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб ,янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим // халқ сўзи , 2006 йил 11 феврал.
6. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
7. Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 27 январда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузаси.
8. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: Ўзбекистон, 2011
9. Ваҳобов А., Қосимова Г., Жамолов Х. Бюджет-солиқ сиёсати яхлитлиги. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2005
- 10.Ваҳобов А., Қосимова Г. Давлат молиясини бошқариш. Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисод-молия, 2008. -287б
- 11.Жўраев А. ва бошқалар. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: 2009.
- 12.Зайналов Ж.Р., Мадиев А. Молия. – Самарқанд: СамИСИ, 2009.
- 13.Зайналов Ж.Р., Мадиев А. Суғурта иши. – Самарқанд: СамИСИ, 2009.
- 14.Қосимова Г.А.Ғазначилик фаолиятини ташкил этиш . Ўқув қўлланма .- Т.: Иқтисод-молия 2005.

- 15.Маликов Т.С. Солиқлар ва соликка тортишнинг долзарб масалалари. – Т.: Академия, 2005.
- 16.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Молия: Умумдавлат молияси. – Т.: Молия, 2009.
- 17.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Бюджет даромадлари ва харажатлари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. -245 б.
- 18.Маликов Т.С., Ҳайдаров Н.Ҳ. Давлат бюджети. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2007. -85 б.
- 19.Тўхлиев Б., Азизов О. Солиқ юкини камайтириш иқтисодиётни юксалтириш омили. Ўқув қўлланма. –Т: ТДИУ.2007.34 бет.
- 20.Тошматов Ш.А. Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли. Монография. - Т.: Фан ва технология, 2008
- 21.Срожиддинова З. Бюджетная система Республики Ўзбекистан. – Т.: Инфоком, 2010.
- 22.Ходжаев Э.Н. Молия бозори ва қимматли қоғозлар. – Самарқанд: СамИСИ, 2009.
- 23.Ҳусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т.: 2008.
- 24.Ҳайдаров Н.Х . Давлат молиясини бошқариш . Ўқув қўлланма .-Т.: “Академия”,2005 .-118 бет.
25. Интернет сайтлари:
www.mf.uz
www.gov.uz
www.lex.uz
www.stat.uz
www.publicfinance.uz